Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
23-iyun,
payshanba
№ 75
(3736)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

# Ўзбекистон — Хитой: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ — ҲАР ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 21 июн куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.**

Кўксарой қароргоҳида 22 июн куни ХХР Раисини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Си Цзиньпин шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Хитойнинг давлат мадҳиялари янгради. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги суҳбатида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз Хитой Раисини мамлакатимизга ташрифи билан қутлаб, дўст хитой халқига самимий ҳурматини изҳор этди.

Биз Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг ушбу давлат ташрифини изчил ривожланиб бораётган Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлиги тарихида муҳим босқич, томонларнинг ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга қатъий интилиши ифодаси, деб биламиз. Бугунги кунда Хитой улкан иқтисодий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат сифатида жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатида ҳақли равишда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ўзбекистон Хитой билан стратегик шериклик ва ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорликни юксак баҳолайди ва қадрлайди, деди Ислом Каримов.

ХХР Раиси Ўзбекистонга навбатдаги ташрифидан мамнун эканини билдириб, ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданиятига ҳурматим баланд. 2013 йилда Самарқандни, кеча Бухорони кўриб, ўзбек халқининг юксак салоҳиятига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон барқарор сиёсий ва изчил иқтисодий тараққиётга эришмоқда, халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътибори муттасил ортмоқда. Ўзбекистон бундан ҳам улкан ютуқларни қўлга киритишига ишонамиз, ўзаро ҳамкорлигимизни кенгайтиришдан манфаатдормиз, деди Си Цзиньпин.

Ўзбек ва хитой халқлари азалдан ўзаро савдо-сотиқ қилган, бир-бирининг маданиятини бойитган. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик сиёсат, иқтисодиёт, савдо, саноат, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият каби барча соҳаларни қамраб олган. Бу алоқалар Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация каби қатор ҳужжатлар асосида изчил тараққий этмоқда.

Ислом Каримов ва Си Цзиньпин мунтазам учрашиб, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш борасида фикр алмашиб келмоқда. ХХР Раиси 2013 йил сентябр ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи билан келган. Президентимиз 2014 йил август ойида давлат ташрифи билан Хитойда бўлди. Ислом Каримов ва Си Цзиньпин 2015 йил сентябрда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигига бағишлаб Пекинда ўтган тадбирлар доирасида ҳам учрашдилар.

Икки давлатнинг халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар бўйича позиция ва ёндашувлари ўхшаш ёки яқиндир. Бу мамлакатларимизнинг ўзаро ва кўп томонлама алоқаларида муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон ва Хитой халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. БМТ, ШҲТ сингари халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

Музокарада сиёсий мулоқотларни изчил давом эттириш, савдо, саноат, иқтисодиёт, энергетика, фан-таълим, маданият каби соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди. Минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқаро таҳдид ва хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, техникавий, энергетика ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро савдо айланмаси ҳажмини оширишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотиқ соҳасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида ҳукуматлараро мажлислар мунтазам ўтказиб келинмоқда. 2011 йилда таъсис этилган Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш, эришилган келишувларни амалга оширишда муҳим рол ўйнамоқда.

Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ўсиб бормоқда. 2016 йилнинг дастлабки тўрт ойида товар айирбошлаш ҳажми 1,4 миллиард долларни ташкил этган. Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилган инвестициялари ва кредитлари ҳажми 6,5 миллиард доллардан ошган. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокида ташкил этилган 650 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзаро ҳамкорликда қатор йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2013 йилда ташкил этилган Ўзбекистон — Хитой юқори технологиялар саноат парки — «Жиззах» махсус индустриал зонаси бунинг ёрқин намунасидир. Сирдарё вилоятида филиали бўлган ушбу индустриал зонада мобил телефонлар, тикув машиналари, қурилиш материаллари, қуёш коллекторлари ва бошқа харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Хитойнинг «ПолиТехнложи» компанияси билан ҳамкорликда Ангренда автомобил ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналар ҳамда конвейер лентаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Марказий Осиё — Хитой газ қувурининг тўртта тармоғи ҳам мамлакатимиз орқали ўтиши ёқилғи-энергетика соҳасидаги улкан салоҳият ва ўзаро манфаатдорликдан далолат беради. Хитой Миллий нефт-газ корпорацияси (CNPC) мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазиш ишларида фаол иштирок этмоқда. Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

(2).



# АНГРЕН-ПОП ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛИ — СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАСИ

**Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да 22 июн куни Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг йирик ва истиқболли лойиҳаси ижроси — Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирок этди.**

Давлатимиз раҳбари мазкур ғоят улкан лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистон учун катта ютуқ, муҳим ва унутилмас тарихий воқеа эканини алоҳида таъкидлади.

Қурилиш давомида Ўзбекистон ва Хитой қурувчилари, муҳандислари, мутахассислари аҳил ҳамкорликда меҳнат қилиб, юксак касб маҳоратини намоён этди. Ушбу иншоот энг юксак халқаро нормаларга жавоб беради ва жаҳон амалиётида ноёб лойиҳадир. Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўлининг ишга туширилиши юк ташиш бўйича вақт ва маблағ тежаш имконини беради, шунингдек, транзит, ишлаб чиқариш ва инфратузилма салоҳиятини кескин оширади, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланишига хизмат қилади, деди Президентимиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл тизимида ҳаракатланадиган «Ўзбекистон» йўловчи поездининг Қамчиқ туннелидан ўтишига рухсат берувчи семафорни ёқиш учун махсус тугмани босдилар...

Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан дунё бозорига янги йўллар очиш, мамлакатимизни бошқа минтақалар билан боғлайдиган замонавий транспорт коммуникациялари барпо этиш долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилди. Асосий эътибор янги темир йўллар қуриш, мамлакатимизнинг ягона ва яхлит темир йўл тизимини барпо этишга қаратилди.

Амударё узра автомобил ва темир йўл қатнови учун мўлжалланган замонавий кўприкни ўз ичига олган Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус темир йўлининг барпо этилиши бу борадаги дастлабки қадам бўлди.

(2).

# ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

**Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Ҳусайн Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 22 июн куни Ўзбекистонга ташриф буюрди.**

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Бўлиб ўтган қисқа суҳбатдан сўнг Покистон делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

***

Покистон Президенти мамлакатимизга ташрифини қадимий Самарқандни зиёрат қилишдан бошлади. Олий мартабали меҳмон Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қайта қурилган Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилди. Покистон Президентига буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг бой маънавий мероси, уни ўрганиш ва кенг тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар, улуғ зот мангу қўним топган мажмуанинг яратилиш тарихи, мустақиллик йилларида ушбу масканда амалга оширилган беқиёс бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида сўзлаб берилди.

Шарқ меъморлигининг ноёб анъаналарини ўзида мужассам этган мақбара, айвон ва улкан масжид меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Мамнун Ҳусайн Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, улар номи билан боғлиқ масканларни обод этиш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо бериб, ушбу маскан бутун мусулмон оламининг муқаддас қадамжоларидан бири эканини таъкидлади.

Амир Темур мақбараси зиёрати чоғида меҳмонга Соҳибқирон бобомизнинг давлатчилик тарихи, мамлакатда илм-фан, маданият, ҳунармандликни ривожлантириш борасида амалга оширган ишлари, бунёдкорлик салоҳияти ҳақида маълумот берилди.

Дунёга машҳур Регистон мажмуаси билан танишув ва бу ердаги миллий ҳунармандлик буюмлари намойиши ҳам Покистон Президентида катта таассурот қолдирди. Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллакори мадрасалари халқимизнинг бой маданияти, аждодларимизнинг юксак ақл-заковатидан далолат бериши алоҳида қайд этилди.

**ЎзА**

# ШҲТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР МАДАНИЯТ ВАЗИРЛАРИ МАЖЛИСИ

**Тошкентда 2016 йилнинг 21-22 июн кунлари Ўзбекистон раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар маданият вазирларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Баҳодир Аҳмедов, Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири ўринбосари Галим Аҳмедяров, Хитой Халқ Республикаси маданият вазири Ло Шуган, Қирғизистон Республикаси маданият, ахборот ва туризм вазири Олтинбек Мақсутов, Россия Федерацияси маданият вазирининг биринчи ўринбосари Владимир Аристархов, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Орумбекзода ва ШҲТ Бош котиби Рашид Алимов иштирок этди.

Мажлисга Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедов раислик қилди.

ШҲТга аъзо давлатлар маданият вазирлари ўтган даврда маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларни муҳокама қилди, ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим (Бишкек шаҳри, 2007 йил 16 август) ва ташкилотга аъзо давлатлар маданият вазирларининг аввалги мажлисларида эришилган келишувлар ижроси юзасидан фикр алмашди.

Томонлар ШҲТ доирасида маданий алоқаларни янада ривожлантириш, ҳамфикрлик ва ўзаро ҳурматни мустаҳкамлаш, ташкилотга аъзо давлатлар халқларининг кўп асрлик миллий анъана ва урф-одатларини фаол тарғиб қилишга интилаётганини таъкидлади.

Шу билан бирга, томонлар ШҲТ кузатувчи мамлакатлари ва мулоқот бўйича шериклари билан маданият ва санъат соҳасида икки ҳамда кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тарафдори эканини қайд этди.

Томонлар ШҲТ минтақасида, жумладан, Буюк ипак йўлидаги маданий меросни ўрганиш ва асраб-авайлаш борасида икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Мажлис иштирокчилари ШҲТ минтақаси маданий меросини ўрганиш ва асраб-авайлаш, меъморий ёдгорликлар маълумотлар базаси ва реестрини яратиш, маданий меросни ҳимоялаш ва санъат асарларини реставрация қилиш, мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, маданий бойликларни ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқишнинг олдини олиш, ўзаро манфаатдор бошқа йўналишлар бўйича ҳамкорликни янада фаоллаштириш зарурлигини қайд этди.

Вазирлар маданият ва санъат соҳасида биргаликда ўтказилаётган тадбирлар халқларимиз ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, маданиятлар хилма-хиллигини сақлаш ва дунё халқлари маданияти ҳақидаги билимларни тарғиб этишга хизмат қилаётганини айтиб ўтди. Шу аснода иштирокчилар 2015 йилда Ўзбекистонда ўтказилган «Шарқ тароналари» ўнинчи халқаро мусиқа фестивалини юксак баҳолади ва бу фестивал дунё халқларини мусиқа ҳамда қўшиқчилик санъати анъаналарини асраб-авайлаш, ривожлантириш, халқларни санъат орқали эзгу мақсадлар йўлида бирлаштиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

(2).

# Ўзбекистон — Хитой: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ — ҲАР ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

(1).

Хитой бизнес субъектлари Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи ва Қўнғирот сода заводи қурилишида иштирок этган. «Huawei» компанияси билан ҳамкорликда мамлакатимиз телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича 20 лойиҳа амалга оширилган. Хитой Давлат тараққиёт банки ва Эксимбанки кредитлари эвазига соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда 40 дан зиёд лойиҳа бажарилган.

Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик ҳам кенгайиб бормоқда. Хитойдан Европа давлатларига маҳсулот ташиш мамлакатимиз ҳудуди орқали амалга оширилмоқда. Биргина «Навоий» интермодал логистика маркази орқали 2015 йили 1,8 минг тонна юк ташилган.

Мамлакатларимиз ўртасида маданият, фан, таълим, туризм соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. «Ўзбекистон — Хитой» ҳамда «Хитой Халқ Республикаси — Марказий Осиё мамлакатлари» дўстлик жамиятлари бу борадаги алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Фан-техника муассасалари ўртасида илмий ҳамкорлик, олий ўқув юртлари орасида талабалар алмашуви кенгаймоқда. Хитойда ўзбек тили, Ўзбекистонда хитой тили ўргатилмоқда. Тошкент ва Самарқандда Конфуций институти ташкил этилган. Хитой миллатлар марказий университети ва Пекин хорижий тиллар университетида ўзбек тилини ўқитиш йўлга қўйилган. Шанхай университети ҳузуридаги ШҲТ Жамоат дипломатияси илмий тадқиқот институти негизида Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилган.

Мамлакатларимизда ўзаро маданий мулоқотни мустаҳкамлашга қаратилган кино кунлари, бадиий кўргазмалар, фестиваллар ўтказилмоқда. Хитойлик санъаткорлар «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келмоқда. 2015 йилги фестивалда бош соврин — Гран-прини Хитойнинг «Jiangsu Women's Orchestra» гуруҳи қўлга киритди.

Тошкент ва Шанхай, Самарқанд ва Сиань, Самарқанд вилояти ва Шэньси провинцияси ўртасида биродарлик муносабатлари ўрнатилгани натижасида икки мамлакат ҳудудларининг тўғридан-тўғри алоқалари ривожланмоқда.

Кўксарой қароргоҳидаги музокаралар якунида Ислом Каримов ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг қўшма баёнотини имзоладилар. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтариш мақсади белгиланган.

Шунингдек, икки давлат ҳукуматлари ва идоралари ўртасида техникавий-иқтисодий, инвестициявий, савдо ва нефт-газ соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, интеллектуал мулк ҳуқуқини муҳофаза қилишга оид ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Икки давлат раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар ўзаро ишонч ва ишчанлик руҳида ўтганини таъкидладилар. Муҳокама қилинган барча масалалар бўйича томонларнинг позиция ва қарашлари бир хил ёки ўхшаш экани қайд этилди. Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикасининг ШҲТга раислиги даврида амалга оширилган ишларга юксак баҳо берди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташриф буюрдилар. Хитой Раиси ва Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари олдида нутқ сўзладилар.

Давлат раҳбарлари Мустақиллик майдонига ташриф буюрдилар. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Си Цзиньпин Мустақиллик майдонининг меъморий ечими, чуқур мазмун-моҳиятига юқори баҳо берди.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ШҲТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР МАДАНИЯТ ВАЗИРЛАРИ МАЖЛИСИ

(1).

Иштирокчилар ШҲТ мамлакатлари ҳудудида, яъни Хитой Халқ Республикасида «Ипак йўли» халқаро санъат фестивали, Қирғизистон Республикасида «Арт-Ордо» халқаро театр фестивали, Россия Федерациясида «Бердэмлек — Содружество» санъат фестивали ва Тожикистон Республикасида «Чодари хаёл» халқаро қўғирчоқ театрлари фестивалининг муваффақиятли ўтказилаётгани халқлар ўртасида маданий алоқаларни кенгайтириш, дўстлик ва яқин қўшничиликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини қайд этди. Бундай тадбирлар ШҲТга аъзо мамлакатлар бадиий жамоаларини бир майдонда жамлаб, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос миллий колоритини намойиш этиш имкониятини яратади.

Томонлар меҳмондўстлик ва ШҲТга аъзо давлатлар маданият вазирлари мажлиси юксак савияда ташкил этилгани учун Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига миннатдорлик билдирди.

**ЎзА**




# АНГРЕН-ПОП ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛИ — СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАСИ

(1).

Кейинроқ «аср мўъжизаси» дея ном олган ноёб иншоот — Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл линияси ишга туширилди. Ушбу бунёдкорлик иншооти мамлакатимизда ягона миллий темир йўл тизимини яратишнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди.

Темир йўл транспорти барча давлатлар иқтисодиётининг асосий қон томири ҳисобланади. Эътиборлиси, темирйўлчиларимизнинг кучғайрати билан кейинги йилларда 1 минг 200 километрдан зиёд янги темир йўл тармоғи барпо этилди, 3 минг 800 километрлик йўл модернизация қилинди ва қайтадан ишга туширилди, қарийб 1100 километрлик темир йўл магистраллари электрлаштирилди. Натижада, темир йўлларнинг умумий узунлиги 6 минг 500 километрга етди ва улар мамлакатимизнинг барча минтақаларини қамраб олиш имконига эга бўлди.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ташкил этилган даврдан буён юк ташишлар 1,5 баробар, йўловчи ташиш 1,3 баробар ўсди. Умуман, 2015 йилда темир йўллар орқали қарийб 82 миллион тонна юк ташилгани ва 20,1 миллион йўловчи ўз манзилига етказилгани юртимизда мазкур тармоқнинг салоҳияти ва имкониятлари тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир. Бугунги кунда мамлакатимизда юкларнинг 60 фоиздан зиёди, йўловчиларнинг 75 фоиздан ортиғи темир йўл транспорти орқали ташилмоқда.

Ўзбекистон темир йўллари трансминтақавий транспорт коридорларининг энг муҳим бўғини сифатида халқаро темир йўллар ташуви тизимида муносиб ўрин эгалламоқда. Зеро, мамлакатимиз магистрал темир йўл тармоқлари орқали Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолни бирлаштирадиган катта транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида барча соҳалар қатори транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик ҳам юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Хитойда ишлаб чиқарилган энг юқори техник хусусиятлар ва қатор афзалликларга эга, замонавий ва юксак самарали электровоз ва тепловозларнинг мамлакатимизга етказиб берилгани ўзаро манфаатли ҳамкорликка ёрқин мисол бўла олади.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ўзаро иқтисодий ва транспорт соҳасидаги ҳамкорликнинг долзарб стратегик йўналишларидандир. Бу Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатларига, ундан кейин Жанубий Осиёга чиқишини таъминлайди. Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўлининг барпо этилиши бу борада «кўприк» вазифасини ўтайди. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ва Хитойнинг «China Railway Tunnel Group» компанияси ҳамкорлигида бунёд этилган туннел қурилишига умумий қиймати 455 миллион долларлик маблағ йўналтирилди.

Денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландликда жойлашган Қамчиқ довони орқали ўтган Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл линиясининг ишга туширилиши Фарғона водийси вилоятлари ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари ўртасида темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш имкониятини яратади. Шу билан бирга, Хитой — Марказий Осиё — Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

Бунёдкорлик ишларида «China Railway Tunnel Group» компаниясининг мингдан зиёд ишчи-мутахассислари, уч мингдан зиёд темирйўлчиларимиз, уч юздан ортиқ электрмонтажчи иштирок этди. Моҳир қурувчилар 32 ой мобайнида мураккаб табиий шароитларда — ёз жазирамасида ҳам, қишнинг қаҳратонида ҳам ишни бир меъёрда олиб борди. Бу ўз самарасини берди.

Узунлиги 123,1 километр бўлган Ангрен-Поп темир йўлининг Қамчиқ довонидан ўтган қисмида 19,2 километрлик туннел очилди. Туннелдан ташқари бу ерда 43 миллион куб метр тупроқ, 16,3 миллион куб метр бурғулаш, портлатиш ишлари бажарилди. Шунингдек, 285 сунъий иншоот ва сув ўтказиш қувурлари, умумий узунлиги 2,1 километр, ўртача баландлиги 25 метрлик 15 темир йўл кўприги ва 6 йўл ўтказгич барпо этилди. 4 станция, 4 разъезд ва 2 вокзал қуриб битказилди, 2 ним тортиш станцияси қурилди. Умумий қиймати қарийб 1 миллиард 635 миллион долларлик маблағга тенг бўлган мазкур улкан лойиҳа доирасида темирйўлчилар учун ўнга яқин тураржой бинолари барпо этилди.

— Темир йўл қурилиши соҳасида узоқ йиллардан бери ишлаб келаётганим боис Ўзбекистоннинг бу борадаги салоҳияти ҳақида кўп эшитганман, — дейди «China Railway Tunnel Group» қурилиш компанияси масъул ходими Ху Зенг Пинг. — Қурилиши ниҳоясига етган мазкур темир йўл Ўзбекистон иқтисодиёти учун нечоғли аҳамиятли эканини таърифлаш қийин. Темир йўл борган жойда ўсиш, ривожланиш бўлади. Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли нақадар тўғри экани ҳаётда ўз исботини топмоқда.

Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли мамлакатимиз тараққиёти ва фаровонлигининг янада юксалишида алоҳида аҳамият касб этади. Буни мутахассисларнинг қуйидаги таҳлиллари ҳам тасдиқлайди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мазкур темир йўл орқали шу йилнинг ўзида 600 минг йўловчига хизмат кўрсатиш мумкин. Қурилиш даврида 4 минг киши иш билан таъминланган бўлса, темир йўлдан доимий фойдаланила бошлагач, яна 1,5 минг янги иш ўрни яратилади.

— Бундан 25-30 йил илгари бу ерлардан темир йўл ўтади, деса биров ишонмасди. Боиси, Қамчиқ довонининг улкан қоялари, чуқур жарликлари, пасту баланд адирлари узра поезд қатновини йўлга қўйиш ақлга сиғмас иш эди-да, — дейди Тошкент вилояти Паркент туманида истиқомат қилувчи 79 ёшли меҳнат фахрийси Солиддин Салоҳиддинов. — Бунёдкор халқимизнинг азму шижоати, Президентимизнинг узоқни кўзлаб амалга ошираётган оқил сиёсати ва ташаббуси билан бундай хаёллар ҳақиқатга айланди. Мустақиллик даври кишиларининг ўткир зеҳни, собит қадами, қатъий хоҳиш-иродаси ва меҳнатсеварлиги эвазига халқимизнинг яна бир орзуси ушалди.

— Мазкур йўл иқтисодий тараққиётнинг белгиси бўлмиш қурилиш ва саноат, транспорт ва алоқа, хизмат соҳаларини ривожлантиришга, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, умуман, янги-янги маданий ўчоқлар очилишига, ҳаётни жонлантиришга, унинг суръатларини тезлаштиришга мустаҳкам замин яратади, — дейди Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли қурилишини топшириш гуруҳи раҳбари Наврўз Эркинов. — Ўзбекистоннинг чет давлатларга чиқиш ва экспорт имкониятини, шу билан бирга, юртимизнинг транзит ролини кенгайтириш борасидаги салоҳиятини кескин оширади.

Айни пайтда қурилиш ишларининг мураккаблиги бўйича дунёда саккизинчи, узунлиги жиҳатидан ўн учинчи, МДҲ мамлакатлари орасида ягона бўлган Қамчиқ туннели Тошкент вилояти билан Наманган вилояти ўртасида робита вазифасини ўтайди.

...Дастлабки поезд Қамчиқ туннелини — Сардаладан бошланиб Чодак қишлоғигача бўлган масофани 16 дақиқада босиб ўтди.

«Ўзэкспомарказ» билан Қамчиқ туннели ўртасида тўғридан-тўғри видеоалоқа ўрнатилди.

«China Railway Tunnel Group» компанияси раиси Юй Баоулин ва «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Очилбой Раматов Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннелининг ишга туширилишга тайёр эканини маълум қилди.

— Биласиз, 2013 йилнинг апрел ойида Президентимиз халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлаган, — дейди Андижон вилояти Хўжаобод тумани «Бирлашган» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, «Эл-юрт ҳурмати», «Дўстлик» орденлари соҳиби Тожибархон Йўлдошева. — Сессияда мен ҳам қатнашганман. Ўшанда давлатимиз раҳбари бир янгиликка эътиборимизни қаратди: Ангрен-Поп йўналишида электрлаштирилган темир йўл қуришни мўлжалламоқдамиз. Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл орқали боғлаш масаласини эътибордан четда қолдиришга ҳаққимиз йўқ. Насиб этса, 2016 йилда ана шу темир йўл қуриб битказилиши билан водийга, жумладан, Андижонга поезд билан бемалол қатнаш имконига эга бўламиз, деди Президентимиз қатъий ишонч билан. Ўшанда давлатимиз раҳбарининг бу гапи наинки Андижон, бутун водий аҳлининг юксак олқишига сазовор бўлганди. Бугун ана шу гапларнинг амалдаги исботи, тарихий воқеанинг гувоҳи бўлаётганимиздан беҳад бахтиёрмиз.

Маросимда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши Хитой ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг улкан самараси, халқларимиз ўртасидаги яқин дўстликнинг яна бир ёрқин намунаси эканини таъкидлади.

Хитой ва Ўзбекистон аҳил қўшни, яқин дўст ва ишончли ҳамкор, мамлакатларимиз ўзаро муносабатлардаги самимият руҳини юксак қадрлайди. Келгусида биргаликда халқларимиз манфаатларига хизмат қилувчи янада катта ютуқларга эришамиз. Хитой ва Ўзбекистоннинг ҳамкорлик йўллари янада кенг ва порлоқ бўлишига ишонамиз, деди Си Цзиньпин.

Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли қурилишидек улкан ва ғоят муҳим лойиҳанинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, транзит ва сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш ва темир йўл тармоғини янада ривожлантиришга ҳамда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги серқирра, стратегик муносабатларни тобора юқори босқичга кўтаришга ва мунтасил ривожлантиришга хизмат қилади.

**Ирода УМАРОВА,**
**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

*ЎзА фотомухбирлари Темур МАМАДАМИНОВ, Оқил ҒУЛОМОВ олган суратлар*



Ифтихор

# Истиқлол туҳфа этган бахт

**Ўтаётган ҳар бир кун барчамизни қутлуғ сана — мустақилликнинг 25 йиллиги тантаналарига яқинлаштирмоқда. Шодиёна лаҳзаларида ички туғён ва кечинмаларимни ҳамюртларим билан баҳам кўраётганимдан беҳад бахтиёрман.**

Мафтункор табиатли Бахмалга «Тоғлар ўлкаси», «Ўзбекистоннинг Швейцарияси» дея таъриф беришади. Ҳаққоний ўхшатишлар... Атрофини пурвиқор Туркистон ва Моргузар тоғ тизмалари ўраб турган, юздан зиёд катта-кичик қишлоқлардан иборат туманимиз мустақиллик йилларида ўзгача чирой очди, кўркамлашди.

Жонажон мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари туфайли бизнинг олис ва чекка Оққўрғон қишлоғи бугун обод манзилга айланди. Ҳамқишлоқларимнинг кайфияти, ҳаётдан розилиги, эртанги кунга ишончи тобора ортиб бормоқда.

Қир-адирликдаги қишлоғимизнинг иқлим ва табиий шароити чорвачилик, деҳқончилик, хусусан, боғдорчилик учун жуда қулай. Ернинг, боғларнинг фермерлар ихтиёрига берилиши қишлоқлар иқтисодиётининг юксалишига хизмат қилаётир. Мен ҳам бир қишлоқ мулкдори сифатида орттирган даромадларим ҳисобига ободонлаштириш, хайр-саховат ишларида фаол иштирок этаётганимдан мамнунман.

Ўзимни бахтли санашга ҳақлиман. Турмуш ўртоғим Гулсарахон билан тўрт ўғил, уч қизни вояга етказиб, элга қўшдик. Йигирмага яқин набираларимиз қуршовида бугун бахтли ҳаёт кечираяпмиз. Фарзандларимиз қаторида келинларнинг ҳам барчаси олий маълумотли. Улар турли соҳаларда хизмат қилишади.

Фарзанди ҳақда бирор яхши гап эшитиш ота-она учун катта бахт. Жиззах енгил саноат касб-ҳунар коллежида ўқитувчи бўлиб ишлайдиган келиним Сайёрахон Президентимиз Фармонига кўра «Шуҳрат» медалига сазовор бўлди. Бундан роса қувондик. Ўғлимиз Шералижон ўз жуфти ҳалоли билан тўрт нафар жажжи набирамизни тарбиялашаяпти.

Намунавий лойиҳа асосида жойларда қурилаётган уйлардан бирининг калити касб-ҳунар коллежи томонидан ёш оила вакили сифатида Сайёрахон келинимга топширилгани барча оила аъзоларимизни, яқинларимизни хушнуд этди.

Набираларим Исломбек, Нозима, Дилнорахон Жиззах шаҳридаги «Умид» иқтидорли болалар лицейида аъло баҳоларга ўқишади. Улар тимсолида оиламиз, юртимизнинг порлоқ келажагини тасаввур этаман. Буларнинг барини Истиқлолимиз бизга туҳфа этган буюк бахт деб биламан.

**Баҳром ХОЛМУРОДОВ,**
**Бахмал туманида яшовчи меҳнат фахрийси**

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги олдидан

# Тинчлик ва фаровонлик — ҳаётимиз асоси



**«Қўнғирот сода заводи» унитар корхонасида «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Корхона раҳбарияти, касаба уюшма қўмитаси, ёшлар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, маънавият тарғиботчилари, ишчи-ходимлар иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг кўламлиислоҳотлар, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилаётган доимий эътибор юксак самара бераётгани алоҳида таъкидланди. Эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи бўлган ёшлар янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарни пухта ўзлаштирган, шу юртнинг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етмоқда.

Энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш ва қутлуғ байрамни тинчосойишта ҳамда кўтаринки руҳда ўтказиш юзасидан фикр алмашилди.

— Корхонамиз ишчи-ходимларининг қарийб 70 фоизи ёшлардир, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Аллиёров. — Президентимиз раҳнамолигида яратилаётган замонавий шароит ва кенг имкониятлар самараси ўлароқ ёшларимиз ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда юксак марраларни забт этиб, Ватанимиз шарафини улуғламоқда. Корхонамизнинг 100 га яқин ёш ишчи-ходимлари турли даражадаги мусобақалар ғолибидир. Тадбирда мустақиллик халқимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқариб, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш, ҳар кимга ўз истеъдод ва салоҳиятини намойиш этиш имкониятини бергани, навқирон авлод бунинг қадрига етиши, истиқлолимиз, бугунги тинч ва осуда, озод ва фаровон ҳаётимизни асраб-авайлаши, юрт равнақи йўлида фидойи ва буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, байрам арафасида касаба уюшма қўмитаси томонидан «Ободлик кўнгилдан бошланади» шиори остида корхона ҳудуди ҳамда атрофдаги маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ташкил этилди.

Корхонада меҳнат қилувчи эҳтиёжманд ва кўп болали оилалар, меҳнат фахрийлари, даволанишга муҳтож ходимларга касаба уюшма қўмитаси томонидан эсдалик совғалари топширилди, моддий ёрдам кўрсатилди.

Тадбир таниқли санъаткор ва ёш ижрочилар иштирокидаги концерт билан якунланди.

**Баҳром ҚУВВАТОВ,**
**Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ташкилий ишлар бўйича етакчи мутахассиси**

Танлов

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида «Ёш ишчи кадрларни тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида ташкил этилаётган «Энг яхши ишчи касб эгаси» танлови қизғин паллага кирди.**

# Мақсад — юрт манфаатига хизмат қилиш

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Сирдарё вилоят бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан Янгиер қурилиш коллежида ташкил этилган танлов асноси бу яна бир карра исботини топди. Натажаларга кўра, «Умумқурилиш ишлари устаси» йўналишида Фарруҳ Жонмурзаев ҳамда «Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси» йўналишида Мирислом Хожимуротов ғолиб деб топилди.

Шунингдек, Гулистон қурилиш коллежида ҳам ташкил этилган танловда юқоридаги йўналишларда мос равишда Лочинбек Аллабердиев ва Сирожиддин Сойибназаров биринчиликни қўлга киритишди. Ғолиблар кейинги босқичда иштирок этади.

***

**Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимидаги корхона ва ташкилотларда «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг «Энг фаол ёш транспортчи» йўналиши ғолиблари аниқланди.**

Жумладан, тармоқ Андижон вилоят бирлашган касаба уюшма қўмитаси «Ўзавтодарётранс» агентлиги вилоят ҳудудий бўлими билан биргаликда хусусий ташувчилик билан шуғулланувчи масъулияти чекланган жамиятлари ўртасида танлов уюштирилди.

Натижаларга кўра, Андижон туман «BEXATAR SAFAR» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Иброҳимжон Раҳимов кўрик-танлов ғолиблигини қўлга киритиб, вилоят ҳудудий босқичида қатнашадиган бўлди.

***

Танлов Тошкент вилояти «Ангрен логистика маркази» АЖ корхонасида ҳам бўлиб ўтди. Якунга кўра корхона таркибидаги «Махсусюктранс» МЧЖ ҳаракат хавфсизлиги бўлими муҳандиси Улуғбек Исматуллаев биринчи ўринни эгаллаб, кейинги босқичга йўлланма олди. Ғолиб корхона касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

***

Тармоқ Навоий вилоят бирлашган касаба уюшма қўмитаси тизимидаги «Ўзавтомобилдарётранс» агентлиги вилоят бўлимига қарашли масъулияти чекланган жамиятлар ва вилоят Автойўл корхоналарининг ёш мутахассислари ўртасида «Энг фаол ёш транспортчи» номинацияси бўйича танловнинг биринчи босқичи ўтказилиб, ғолибларга қимматбаҳо совғалар, диплом ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Шу тариқа вилоят босқичида иштирок этадиган ёш мутахассислар аниқлаб олинди.

***

Бухоро вилоятидаги 17 та транспорт корхонасида ўтказилган танловда 37 нафардан зиёд истеъдодли ёш транспортчи ўз билим ва маҳоратини намоён этди.

Ёш транспортчиларнинг ўз соҳаси, меҳнат қонунчилиги бўйича билимлари савол-жавоблар асосида синалди. Ҳар бир иштирокчи ўз фаолиятини слайд ва видеофилмлар орқали ёритиб берди.

Ушбу босқичда ғолиб бўлган «Жондор интерсавдо» МЧЖ раҳбари Муҳритдин Насуллаев танловнинг вилоят босқичига йўл олди.

**Ўз мухбирларимиз**

***

**«Энг фаол ёш шифокор» кўрик-танловининг барча босқичлари Наманган вилоятида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилди. Энг фаол, энг фидойи касб эгаларини аниқлаш ҳакамлар ҳайъатига бироз қийинчилик туғдиргани ҳам рост.**

Якунда РШТЁИМ Наманган филиалида болалар жарроҳи лавозимида ишлаб келаётган Бахтиёр Жабборов ҳамда вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази эндоурология врач ординатори Грант Арутюнянц биринчи ўринни, Наманган шаҳар 8-оилавий поликлиникаси умумий амалиёт шифокори Муаттар Салоева 2-ўринни, Наманган туман тиббиёт бирлашмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими врач-терапевти Раъно Турдиқулова 3-ўринни эгаллади.

Биринчи ўрин соҳиблари танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилишади.

**Шавкат ҚОСИМОВ,**
**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Наманган вилоятидаги масъул ташкилотчиси**

***

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг қуйи босқичи Самарқанд вилоятида зўр кўтаринкилик билан ташкил этилди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган юзлаб ёшлар ўз билим ва маҳоратини яна бир карра синовдан ўтказишди.**

Жумладан, Самарқанд халқаро аэропорти маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти томонидан уюштирилган танловда мураккаб соҳани танлаган қатор ёшлар қанчалар иштиёқманд эканликларини намойиш этишди. Эътиборли жиҳати, кейинги йилларда мазкур жамоа сафини ёшлар билан тўлдириш, ёш авиаторлар ва мутахассислар касб малакасини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Тизимда меҳнат қилаётган 500 нафардан зиёд ходимларнинг 160 нафари ёшлардир.

— Мазкур танловда эзгу мақсадлар мужассам, — дейди Самарқанд халқаро аэропорти касаба уюшма ташкилоти раиси Зиё Жўраев. — Энди иш бошлаган ёшларимиз ташаббускорлиги, фаоллигини ошириш, интилишини қўллаб-қувватлаш уларда касб-корга бўлган меҳрни янада оширмоқда.

Танлов жараёнида Муҳайё Ҳамроева тенгқурларидан билим даражаси ва касбий маҳорати билан алоҳида ажралиб турди. Ҳакамлар ҳайъати уни «Энг фаол ёш авиация ходими» дея эътироф этди.

Ғолиблар касаба уюшмаси томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Республика кенгаши жамоаси касаба уюшма тизимида узоқ йиллар давомида ишлаган **Одилбек ЖАЛОЛОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг яқинларига таъзия билдиради.

Фаолият

**Мамлакатимизнинг шаҳар ва туманларида иш бошлаган «Ягона дарча» марказлари томонидан тадбиркорларга сифатли ва малакали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмоқда.**

## «Ягона дарча» — тадбиркорга имконият

Фарғона вилоят ҳокимлиги томонидан шаҳар ва туманларда 19 та марказ фаолияти йўлга қўйилиб, мутахассислар томонидан тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-тамойилларидан ўтишда шаффофликни таъминлаш, тадбиркорларга давлат хизмати кўрсатишда бюрократик тўсиқларга йўл қўймаслик борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида марказларга фуқаролардан 1844 та мурожаат келиб тушган бўлса, барчаси ўз вақтида ўрганилиб, ижобий ҳал этилди.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Туҳфа





# Янги пункт ишга тушди

**Навоий вилояти Хатирчи тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмасида янги Техник қўриқлаш пунктининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**



*Тадбирни Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари, подполковник Ф.Ражабов очди. Маросим иштирокчилари Хатирчи тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмасида ходимлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди.*

*Тадбир якунида Техник қўриқлаш пункти хизматини ташкил этишда жонбозлик кўрсатган ходимлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.*

**Элмурод ҚЎЗИЕВ,**
**«Қўриқлаш» бирлашмаси ИХҲҚ ва ЮТБ Матбуот гуруҳи катта инспектори, катта лейтенант**

Анжуман

# Модернизация — замон талаби

**Миллий матбуот марказида Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан «Фонд бозорини модернизациялаш — замон талаби» мавзусида анжуман ўтказилди.**

Айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида фонд биржасида қимматли қоғозлар савдосини кенг миқёсда ташкил этиш, инвесторлар учун ушбу бозорда янада қулайлик яратиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, фонд биржасида хорижий валютада битимлар тузиш, қимматли қоғозларни IPO орқали, яъни бирламчи оммавий жойлаштириш, молиявий воситаларнинг олди-сотди битимларини амалга ошириш имкониятини берувчи янги савдо майдончалари ишга туширилди.

Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этиш, уларнинг устав капиталларидаги давлат улушларини қисқартириш ҳисобига иқтисодиётда давлат иштирокини тубдан камайтириш мақсадида биржа савдоларига қўйилган акция пакетлари билан амалга оширилган битимларнинг фаоллашуви савдо айланмасининг юқори бўлишига олиб келган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

— Мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозларига аҳолининг ишончи ортиб бораётганлиги ва бўш пул маблағларини қимматли қоғозлар сотиб олиш орқали қўшимча даромад манбаини яратишга интилаётганлиги натижасида фонд биржасининг умумий савдо айланмасида жисмоний шахслар улуши 25 фоизгача ошиб, ўтган беш ойда 25 млрд. сўмга етди. Йил бошидан буён хорижий жисмоний шахслар томонидан биржа савдолари орқали қимматли қоғозларга киритилган инвестициялар умумий ҳажми эса 11,4 млрд. сўмни ташкил этди, — деди «Тошкент» республика фонд биржаси бошқаруви раиси Алишер Юлдашев.

Бундан ташқари, ривожланган давлатлар фонд биржалари билан ҳамкорлик ва ахборот алмашув самарали йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунга қадар Евроосиё фонд биржалари федерацияси, МДҲ мамлакатлари биржалари Халқаро уюшмаси, шунингдек, Истанбул, Франкфурт, Корея ва Япония фонд биржалари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган.

**Ўз мухбиримиз**

Реклама

*Аукцион савдолари хабарномаси*

**«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**I. 2016 йил 25 июл куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-уй** манзилида ташкил қилинадиган савдоларга АТБ Қишлоқ қурилиш банки Тошкент шаҳар минтақавий филиалининг 21.06.2016 йилдаги 03/02-1737-сонли буюртмасига асосан банк ҳисобидаги жами 5 дона аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш кўчма шохобчалари мужассам яхлит ҳолда қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 2 362 500 сўм.**

**II. 2016 йил 25 июл куни соат 12:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-уй** манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент архитектура қурилиш институтининг 16.06.2016 йилдаги 05/25-сонли буюртмасига асосан институт ҳисобидаги 2001 йилда и/ч, д/р 01 234 QCA бўлган ГАЗ 3102 русумли а/в қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 3 250 000 сўм.**

***Талабгорлар диққатига!***

Аукцион савдоларида иштирок этиш бўйича буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан) ташқари 2016 йил 22 июл кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ, ҳ/р: 20208000005028108001, АТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302523082.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюрманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Манзил: Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-уй. Тел: (0-371) 233-21-18. E-mail: kmss.res@mail.ru. Гувоҳнома: № 006263.

**Хизматлар лицензияланган.**

**«Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога «Водийнефтгазишчитаъминот» МЧЖнинг 20.06.2016 йилдаги 32-сонли буюртма хатига асосан, жамият балансидаги Фарғона вилояти, Бағдод тумани, Бағдод шаҳарчаси, Э.Усмонхўжаев кўчасида жойлашган қурилиш эгаллаган майдони 1486,52 кв.м., фойдали майдони 1402,70 кв.м. бўлган, бино-иншоотларнинг бир қисми (0014-литер омбор) қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 265 566 040 сўм.

**Аукцион савдоси 2016 йилнинг 25 июл куни соат 14:00да бўлиб ўтади.** Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 22 июл соат 17:00.

Юқоридаги кўрсатилган мулк 2016 йилнинг 25 июл куни сотилмаган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2016 йилнинг 5 август куни соат 14:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдо учун буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 3 август куни соат 17:00.

Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун— паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15(ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиалининг ХАБ «Трастбанк» Фарғона филиалидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 3004 3360 1012. МФО: 01123, СТИР: 303179580. Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдода қатнашиш учун буюртмалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, Маърифат кўчаси, 21/1-уй. Телефон: (99895)402-54-75. www.emulk.uz. best.fergana@inbox.uz. Лицензия: RR-0225.

**Хизматлар лицензияланган.**

